*Erursen shoh, agar ogohsen sen, Agar ogohsen sen, shohsen sen*

# Хаbar

O'ZBEKISTON POCHTA VA TELEKOMMUNIKATSIYALAR AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan ● 2001 yil, 2 fevral, juma № 5 (438) Sotuvda narxi erkin

## ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИДА

**Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори Ф.Абдуллаев бошқарди. Унда бугунги кун учун долзарб бўлган муаммолар кўриб чиқилди.**

«Почта ва телекоммуникациялар соҳасини бозор иқтисодиётида ривожлантириш дастури ҳақида» Агентлик бош директорининг биринчи ўринбосари А. Орипов, «2010 йилгача интернет тармоғини ривожлантириш Миллий дастури лойиҳаси» тўғрисида Фантехника ва маркетинг тадқиқотлари маркази директори Р.Исаев маъруза қилди. Жумладан, А. Орипов ушбу дастур ҳақида фикр юритар экан, почта ва телекоммуникация мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг асосий омилларидан бири эканлигини ва бу дастур аниқ мақсадни кўзлаб ишлаб чиқилганини, 2006 йилгача почта ҳамда телекоммуникация соҳасида қандай ишларни амалга ошириш лозимлиги кўрсатиб берилганлигини айтиб ўтди. Р. Исаев маърузачи фикрини қўллаб-қувватлаган ҳолда дастур ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди.

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил, 21 майдаги 182-сонли «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори асосида қишлоқ телефон алоқасини ривожлантиришни рағбатлантириш» ҳақида «Ўзбектелеком» акционерлик компанияси бош директори А. Жўрабоевнинг маърузаси тингланди. Маърузачи республика аҳолисининг 62,7 фоизи қишлоқларда истиқомат қилишини, шунинг учун қишлоқда телефон алоқасини ривожлантириш зарурлигини, бу борадаги кўпгина муаммолар ҳал қилиниши лозимлигини таъкидлади. Шундан сўнг Агентликнинг рақобатни ривожлантириш ва тарифлар бўлими бошлиғи Ю. Мухчи бўлимда амалга оширилган ишлар ва айрим муаммолар хусусида батафсил маълумот берди.

Ҳайъат йиғилишида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

***И. АҲМЕДОВ***



**Тошкент шаҳридаги 1-32, 1-33, 1-36 АТСларнинг етакчи муҳандиси Зулфира ВАЛОВА кўп йиллардан буён ўз касбини ардоқлаб келаётган мутахассислардан биридир.**

***Т. ЛУТФУЛЛАЕВ суратга олган***

*● Муносабат*

## ШУНДАЙ МАҚОЛАЛАРГА ЧАНҚОҚМИЗ

«Хабар» газетасининг 2001 йил, 5, 12, 19 январ сонларида чоп этилган Р. Исаевнинг «Мобил телекоммуникациясининг учинчи авлоди» номли мақоласи менда яхши таассурот қолдирди. Фикримча, мақолада муҳим муаммо батафсил тарзда баён қилинган. Дунё миқёсидаги алоқа соҳасининг янги хизмат турини муаллиф мукаммал ёритиб берган.

Мақолада айтилишича, мобил телекоммуникациясининг учинчи авлодини яратиш борасидаги ишлар 1991 йилдан бошланган, 1992 йили Умумжаҳон радиоконференцияси томонидан «IMT-2000 концепцияси» маъқулланди ҳамда йўналиш ривожи учун тегишли частота оралиқлари ажратилди.

1994 йили Европа Иттифоқи тасдиқлаган ACTS дастурининг асосий мақсади такомиллаштирилган телекоммуникация техникаси ва хизматлар технологиясини яратиш эди. Шуни қайд этиш ўринлики, дунё миқёсида бу соҳада қилинган ишлар кўрсатилган дастур тўғрисида адабиётлар жуда кам. Ҳозирги илмий журналларда ҳам бу ҳақда мақолалар кўп ёзилмаган. Мутахассислар учун аҳамиятли ва жуда қизиқарли мазкур дастурнинг вазифалари бўйича бажарилган тадбирларни муаллиф чуқур таҳлил қилиб берганлиги қувонарли ҳолдир.

ACTS дастури замонавий телекоммуникация техникаси ва технологиясини янада ривожлантириш натижасида яратиладиган мобил алоқа универсал тизими (UMTS)нинг техник асоси ва уни ташкил қилувчи унсурлари такомиллашувига ҳамда уларни ривожлантиришнинг асосий тамойилларини бажаришга қаратилган эди. Бу мавзу мақолада ҳам техник, ҳам услубий тарзда кенг ёритиб берилган.

Бундан ташқари, Жаҳон телекоммуникациялари бозорида ўз ўрнини мустаҳкамлаётган Универсал идентификация модули (UIM) вазифаси, тузилиш техникаси, ишлаш услуби ва технологияси каби масалалар ҳам атрофлича ёритилган. Шу ўринда мақола муаллифига бир таклифим бор эди. Илғор техника ва технология тўғрисида ёзганда фақат илмий ходимлар, аспирантлар ёки малакали алоқачилар назарда тутилмаса, кенг газетхонлар ҳам тушунадиган, соддароқ, енгилроқ тилда ёзилса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Умуман олганда, ўз вақтида ёзилган ва янги технологияни кенг таҳлил этган ушбу мақола кўпчилик учун фойдали бўлди. Қани эди газета саҳифаларида бундай мақолалар кўпроқ чоп этилса.

***Ж. САИДОВ,***
***алоқачи***
***Тошкент шаҳри***

## ХОТИРА МУЗЕЙИ

Тошкент электротехника алоқа институтида Ўзбекистоннинг телекоммуникация соҳасидаги биринчи фан доктори Мажидулла Ниғматович Ориповнинг хотира музейи ташкил этилди. Музейнинг очилиш маросимида Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори Ф. Абдуллаев, «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси бош директори А. Жўрабоев, алоқа корхоналари раҳбарлари, устознинг оила аъзолари ва шогирдлари иштирок этдилар.

Мажидулла Орипов 1960 йили Тошкент электротехника алоқа институтини аъло баҳоларга тугаллаганидан сўнг Москвадаги алоқа институти аспирантурасига ўқишга юборилган эди. У 26 ёшида фан номзодлиги диссертациясини ҳимоя қилиб, Тошкентга қайтгач, институтда ёшларга таълим бера бошлаш билан бирга, кўп йиллар давомида «Телематика тизимлари» кафедраси мудири, институт илмий ишлар проректори вазифаларида ишлади. Унинг «Интернет асослари», «Мультимедиа», «Факсимал системалар» каби методик қўлланмалари ўзбек тилида чоп этилган.

Ҳа, устоз хотираси шогирдлар қалбида бир умр сақланиб қолади.

***Ф. АСОМХЎЖАЕВ***

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

**● ЯНГИЛИКЛАР ● ВОҚЕАЛАР ● ХАБАРЛАР**

**● Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳининг йиғилиши бўлиб ўтди.**

● Брюсселда «Ўзбекистон – Европа Иттифоқи» Ҳамкорлик кенгашининг иккинчи мажлиси ўтказилди.

**● Россия ҳукумати 2001 йилда Чеченистон Республикасининг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётини қайта тиклашга қаратилган Федерал дастур лойиҳасини маъқуллади. Мазкур дастур ижроси учун 14 миллиард рубл ажратилиши кўзда тутилмоқда. Маблағнинг учдан бир қисми давлат бюджети, қолгани эса бошқа манбалардан олинади.**

● Озарбайжонда қочоқларга ва мажбурий тарзда келиб қолганларга кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун микрокредитлар бериладиган бўлди.

**● Хорватияни Босния ва Герцеговина билан туташтирувчи темирйўл алоқаси тўққиз ярим йиллик танаффусдан сўнг қайта тикланди. Илгари бу йўлдан ҳар куни 70 тагача поезд қатнар, йилига 1,5 миллионга яқин йўловчи ташиларди. Поездлар қатновининг қайта йўлга қўйилиши икки республика ўртасидаги иқтисодий алоқалар ривожига катта turtки бўлади.**

● Бразилия телекоммуникация тармоғи борган сари ривожланаётир. Айниқса, уяли алоқа телефонларидан фойдаланувчилар сони ошмоқда. Айни пайтда мамлакатда ҳар юз кишига 14 та шундай телефон тўғри келади. Бразилия ҳукумати 2005 йилга бориб, бу кўрсаткични 32 тага етказишни мўлжалламоқда.

**● Ҳиндистоннинг Гужарат штатида юз берган зилзила оқибатида минглаб одамлар ҳалок бўлган ва жароҳатланган. Ушбу ер силкиниши сўнгги 50 йил мобайнидаги энг кучли зилзиладир.**

## «ХАБАР»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

# КАСБ ШАЖАРАСИ

Хоразм вилоятининг Янгиариқ туманида ҳам эллигинчи йилларнинг ўрталарига келиб радиолаштириш, қишлоқ фаолларининг уйларига телефон ўрнатиш ишлари анча жонланганди. Ўшанда эндигина 16 баҳорни қаршилаган Озоджоннинг назарида овулларга симёғочлар ўрнатиб, радиосимлари тортиб, уйларга радиокарнайлар осиб, ёғоч қутиларни тилга киритиб, одамлар дилига қувонч бағишлаётган мантўрлардан ҳам зўр, ҳурматли инсон йўқдай эди. Ўспириннинг дилида мантўрлик касбига ҳавас уйғонди. Ўша кунлари у мактабдан келарди-да, шошиб-пишиб овқатлангач, хонадонларга радиосимларини тушираётган мантўрлар ёнига ошиқарди. То қош қорайгунча улар ёнида юриб, ёғоч устунлар учун чуқурлар қазишар, устунларни ўрнатиш, уларга сим тортишда кўмаклашар эди. Йиллар ўтгач ҳавас орзуга айланди. У 1956 йили ўрта мактабни битиргач, Тошкентга отланди. Алоқа техникумига ўқишга кириб, 1959 йилда уни тамомлади. Ўша пайтларда Янгиариқ туман алоқа тармоқлари идорасининг бошлиғи бўлиб ишлаётган Комилжон Аброров Озоджонни турли саволлар билан синовдан ўтказди. Ёш мутахассиснинг малакасига ишонч ҳосил қилгач, уни техник вазифасига ишга қабул қилди. Озоджон касбига меҳри, тиришқоқлиги ва камтарлиги туфайли хизмат пиллапояларидан тез кўтарилиб борди. 1969 йили Янгиариқ туман алоқа тармоқлари идорасига раҳбар этиб



тайинланди. Устозларнинг маслаҳати билан 1968 йили Тошкент электротехника алоқа институтига сиртдан ўқишга киради. Озод Бекметов жамоага раҳбарлик қилиш билан бирга, бу ерда кўпгина шогирдлар ҳам тарбиялади. Ҳозирда «Хоразм почтаси» акциядорлик жамияти Янгиариқ филиали ходимлари ўз устозларининг яхшиликларини бир умр унутмайдилар.

Озод Бекметовнинг оиласи ҳам Янгиариқнинг энг ибратли оилаларидан бири. Умр йўлдоши Назира Иброҳимова мактабни битказгач, алоқа соҳасида нафақага чиққунча меҳнат қилди. Катта ўғли Қудратбек Тошкент электротехника алоқа институтини тугатиб, 1992 йилдан «Хоразм Телеком» акциядорлик жамияти Янгиариқ филиалида меҳнат қилмоқда, 2000 йилдан буён эса шу меҳнат жамоасига раҳбарлик қиляпти. Ҳикматжон олий маълумот олгач, пойтахтда ўз ихтисоси бўйича ишламоқда. Кейинги ўғли Ҳурматжон эса Тошкент алоқа коллежини тамомлаган. У ҳам алоқа соҳасида меҳнат қилади. Оиланинг кенжа ўғли Шерматбек ҳам ота касбини танлаган. Тошкент электротехника алоқа институтида ўқиб, ўз касби бўйича ишлаб келмоқда. Қизи Сайёрахон, келини Шаҳлохон ҳам алоқа тизимида меҳнат қилишади. Озод Бекметов чинакам бахтли инсон эди. Ҳа, у фарзандларини ҳам ўзи каби меҳнаткаш, қийинчиликлардан чўчимайдиган, камтар, ҳалол ва соф виждонли қилиб тарбиялай олди. Бу ажойиб инсон ўзидан яхши ном қолдириб кетди. У бошлаган ҳайрли ишларни эндиликда унинг фарзандлари давом эттирмоқда.

***Шокир МАТҚУРБОНОВ***

# ТУРНИР БОШЛАНДИ

Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг спорт залида мини футбол бўйича Ўзбекистон Касаба Уюшмалари Федерацияси Кенгашининг совринн учун касаба уюшмалари жамоалари ўртасида тармоқлараро мусобақанинг очилиш маросими бўлди.

Унда «Авиасозлар», «Автотранспортчилар», «Темирйўлчи», «Енгил саноат», «Таълим ва фан», «Тадбиркорлар», «Ёқилғи-Энергетика» ва «Алоқа ходимлари» касаба уюшма жамоалари иштирок этишмоқда.

Турнир Доира тизимида ўтказилади ва 10 март куни ғолиблар аниқланади.

Биринчи тур ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди:

«Ёқилғи-Энергетика» – «Таълим ва фан» 4:2

«Тадбиркор» – «Автомобилчи» 3:7

«Темирйўлчи» – «Енгил саноат» 11:1

Дастлабки ўйинда «Алоқа ходимлари» терма жамоаси «Авиасозлар» билан учрашиб, 5:2 ҳисобида ғолиб келдилар.

Иккинчи тур ўйинларида жамоамиз «Автомобилчи» жамоаси билан учрашади.

***Ўз мухбиримиз***

# РЕЖАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

«Сирдарё «Телеком» акциядорлик жамияти жамоаси ўтган 2000 йилда телекоммуникациянинг барча турлари бўйича сезиларли ютуқларга эришди. Вилоятдаги алоқа соҳасига тегишли корхоналарда йил якунлари 25 та кўрсаткичда баҳоланди.

Шу тариқа холисона берилган баҳо асосида ҳар бир корхонанинг молиявий, техникавий, сифат ва самарадорлиги аниқ-равшан кўриниб қолди.

Ҳисоб-китобларга қараганда, 2000 йилнинг 1-чорагида ишлаб чиқариш харажатлари даромадга нисбатан 60,2 фоизгача ўсган бўлса, тўққиз ой якуни бўйича 52,8 фоизга туширилди. Йил якуни бўйича эса даромадга нисбатан харажатлар 48 фоизни ташкил қилди.

Акциядорлик жамиятининг иқтисодиётини ўнглаб олишлари учун «Ўзбектелеком» АК тавсия қилган қўлланмага асосан корхонада ҳисоб-китоб ишлари марказлаштирилди ва замонавий компьютерлар билан жиҳозланди. Натижада корхонада тезда аниқ маълумотларга эга бўлиш имконияти яратилди.

«Сирдарё Телеком» АЖнинг бош ҳисобчиси С. Содиқов: «Ҳали биз ўзимиз учун яратилган бу қулайликлардан тўла фойдалана олганимизча йўқ, 2001 йилда бор имкониятларни ишга солиб, ҳисоб-китоб ишларини янада такомиллаштиришимиз керак,» – деди биз билан суҳбатда.

Вилоятдаги алоқа ходимларининг имкониятларини олинаётган фойдада ҳам кўрса бўлади. 1999 йили молиявий хўжалик фаолиятидан олинган фойда 38.536 сўм бўлса, 2000 йил тўққиз ойи якуни бўйича 60.707 сўм фойда олинди. Йил якуни бўйича кўрсаткич 75.000 сўм бўлиши кутилмоқда. Бу эса, албатта, ҳар бир акциядорнинг йил якуни бўйича оладиган дивидентининг ошишидан далолат беради.

Телефон ўрнатиш бўйича белгиланган 3100 та ўрнига 3174 та аппарат ўрнатилиб, режа 102 фоизга адо этилди. Халқаро ва шаҳарлараро телефон сўзлашувлари сони 1999 йилга нисбатан 45 фоиз, сўзлашув дақиқаларининг эса 30 фоиз ўсишига эришилди. Ушбу кўрсаткич, албатта, алоқа хизмати сифатининг ўсганлигидан далолат беради.

«Сирдарё Телеком» АЖ бош директори С. Умаров 2001 йилдаги ечими топилиши зарур бўлган муаммолар ҳамда истиқболдаги режалар ҳақида шундай дейди:

– Ҳақиқатан ҳам корхонамиз сўнгги йилларда сезиларли ижобий ўзгаришларга эришди. Бунинг асосий сабаби ишчи-хизматчи ва раҳбар ходимларнинг ўзаро ҳамжиҳатликда меҳнат қилганлиги ички имкониятлар ягона мақсад — халқимизни сифатли алоқа хизмати билан таъминлашга қаратилганлиги туфайлидир. Шубҳасиз, бу қилинган ишлар узоқ муддатга мўлжалланган режаларнинг фақат биринчи поғонасидир.

Эндиги режаларимиз эса вилоят аҳолисининг телефон алоқасига бўлган талабларини қондиришдан иборат.

Шу мақсадда 2001 йили қўшимча 3 мингдан зиёд телефон аппарати ўрнатишимиз керак бўлади. Йил давомида вилоят бўйича 50 та қўшимча маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро сўзлашув пунктлари (таксофонлар) аҳоли гавжум бўлган жойларда ўрнатилади. Шунингдек, кичик ва ўрта тадбиркорлар ҳамда фуқаролар учун телефонларни маълум муддат ижарага бериш бўйича ҳужжатлар тайёрланяпти.

Жорий йилда барча абонент хизмати бўлинмалари компьютерлаштирилиб, янги дастурлар асосида ишлаш режалаштирилган.

Республикамиз Президенти И. А. Каримов 2001 йилнинг 11 январ куни идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш мажлисида сўзлаган нутқида: «Телекоммуникацияларни жадал суръатлар билан ривожлантириш XXI асрда мамлакат тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамият касб этади», – деб алоҳида таъкидлаб ўтди. Бу бизнинг режалаштирган ишларимизга ҳамоҳангдир.

Хуллас, «Сирдарё Телеком» АЖ раҳбар ва мутахассис ходимлари янги асрнинг биринчи йилида телекоммуникация соҳасида дадил ижобий ўзгаришлар ясаш, шаҳар ва қишлоқ ҳудудларида телефон алоқасини ривожлантириш, аҳолини сифатли алоқа хизмати билан таъминлашни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган.

***Абдуғафур ҲОТАМОВ,***
***жамоатчи мухбиримиз***

# МУКОФОТ МУБОРАК!

Давлат алоқа инспекциясининг бир гуруҳ раҳбар ва ходимлари Алоқа соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнати, почта ва телекоммуникациялар соҳасида алоқа сифатини яхшилаш, текшириш ишларида аниқланган камчилик ва нуқсонларни бартараф этишда фаол иштирок этганликлари учун Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директорининг буйруғига кўра, Сурхондарё давлат алоқа инспекцияси бошлиғи **Жумагул Муротовна МУРОТОВА,** «МОҲИР АЛОҚАЧИ» фахрий унвони, Давлат алоқа инспекцияси информацион хавфсизлик ва махсус ишлар бўлими бошлиғи **Марҳамат Тешабоевна МАМАЖОНОВА** агентлик «ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ», Давлат алоқа инспекцияси Телекоммуникациялар бўлимининг биринчи тоифали мутахассиси **Гульгина Канифуловна ПОЛУБИЧЕНКО** ва Жиззах давлат алоқа инспекцияси катта йўриқчиси **Жаббор САИДОВ**лар «ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ» фахрий нишони билан мукофотланишди.

Мукофотлар муборак, азиз ҳамкасблар.

# «COSCOM»НИНГ ИНСТИТУТГА СОВҒАСИ

«COSCOM» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси Ўзбекистонда уяли алоқа хизмат кўрсатадиган етакчи корхоналаридан биридир. Компания жаҳонда уяли алоқанинг роуминг хизматини кўрсатиш бўйича олдинги ўринларда туради. Қўшма корхона телекоммуникациялар бозорида фаол қатнашиш билан бирга республикада ёш мутахассислар тайёрлашга ҳам катта эътибор бермоқда. Бу режани амалга ошириш мақсадида «COSCOM» қўшма корхонаси Тошкент электротехника алоқа институтининг радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение мутахассислиги талаба ва магистрантлари учун шахсий стипендия таъсис этди. институтнинг радиореле ва йўлдошли алоқа тизимлари кафедраси магистранти К. Н. Гусельникова ушбу стипендияга сазовор бўлди. Шунингдек, «COSCOM» қўшма корхонаси амалий машғулотлар учун кафедрага уяли алоқа ускуналарини ҳам тақдим этди.

Институт ва «COSCOM» компаниясининг бундай самарали ҳамкорлиги иқтидорли талабаларга уяли алоқа тизими билан яқиндан танишиш имконини беради.

***Р. КАВИЛОВА,***
***Тошкент электротехника алоқа институтининг лаборатория мудири***

# ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Андижон почтаси» акциядорлик жамияти Шаҳрихон филиали жамоаси корхона касаба уюшма қўмита раиси **Соҳибжон СУЛТОНОВ**ни 50 ёши билан чин қалбдан табриклайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, ишларида омадлар тилайди.

* * *

«Фарғона почтаси» акциядорлик жамияти Ровон филиали жамоаси Лембург алоқа бўлими бошлиғи **Зиёратхон УСМОНОВА**ни туғилган куни билан самимий табриклайди. Унга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, бахт-саодат ва ишларида муваффақиятлар тилаб қолади.

* * *

Қашқадарё Радио ва телевидение узатиш маркази жамоаси ва касаба уюшмаси қўмитаси ушбу марказ бошлиғи **Алланазар АБДУЛЛАЕВ**ни таваллуд топган куни билан самимий табриклайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий бахт-саодат ва ишларида муваффақиятлар тилайди.

* * *

Қашқадарё Радио ва телевидение узатиш маркази жамоаси ва касаба уюшмаси қўмитаси «ЎЗДУНРОБИТА» қўшма корхонаси Қашқадарё филиали директори **Усмон ХУШВАҚТОВ**ни 50 ёши билан самимий табриклайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий тинч-тотувлик ва ишларида муваффақиятлар тилаб қолади.

## ИНСОФ

Иброҳим Адҳам даврида сарой аъёнлари уни юртдаги воқеалардан бохабар қилиб туришар экан. Бир куни улар ташвиш билан дебдилар:

— Шаҳримизда гадолар кўпайиб кетди, шоҳим...

— Чунки бойларда инсоф йўқ, — деган экан ўшанда Иброҳим Адҳам. — Бойлар камбағалларга ғамхўрлик қилмас экан, элу-юртнинг ҳолига вой...

## АҲМАД ПОЛВОН

Тошкентда Аҳмад полвон деган ўтган экан. Мен у киши ҳақидаги хотираларимни айтмоқчиман.

Умрида бир марта ҳам кураги ерга тегмаган, унга беқиёс куч-қувватни Худо ато этган дейишади. Чилонзорда яшаб, Эски шаҳардаги Каппон бозорида ғаллафурушлик қиладиган бу полвоннинг иккита оти бўлган экан. Битта от у кишини боғидан бозорга чарчамасдан етказиб қўёлмагани учун йўлда, Камолон даҳасида отни алмаштирар эканларда. Мана сизга полвон.

Бир куни Аҳмад полвон бозорда ўлтирганида полвон келбатлик қозоқ киши келиб саломлашибди-да:

— Аҳмад полвон деганни қайдан топсам бўлади? — деб сўрабди.

— Нега керак сенга Аҳмад полвон? — дебди мезбон.

— У билан курашмоқчиман.

— Мен уни танийман, — дебди Аҳмад полвон. — Сени у киши билан учраштириб қўяман. Қани, қўлимдан олиб турғазиб қўй.

Меҳмон Аҳмад полвонни қўлидан тутиб, бир неча марта силтаб-силтаб тортибди-ю, бироқ ўрнидан қўзғата олмабди.

— Бўлди, бўлди, тушундим. Аҳмад полвон дегани ўзинг экансан, — дебди қозоқ полвон. — Энди сен билан курашмайман.

Машҳур Аҳмад полвон бир куни оддий одамларнинг зарбасига учрабди. Нима бўлибдию, бир тўда маст-аласт йигитлар Каппон бозорида полвонни роса дўпполашибди. Полвон уларнинг биронтасига ҳам қўл кўтармай, ўзини ҳимоя қила-қила қочиб қолибди. Аъзойи бадани калтагу тош зарбидан momoталоқ бўлиб кетган машҳур полвон бир неча кун уйдан чиқолмай ётибди. Уни кўргани келган жияни сўрабди:

— Тоға, ахир ўзингиз полвон бўла туриб, қаёқдаги шумтакалардан таёқ едингизми? Нега урмадингиз уларни?

Шунда Аҳмад полвон нима дебди денг:

— Э жиян, менинг қўлим уларга теккандан кўра тошга тегсин. Уларни урсам, полвон деган номимга иснод бўларди-ку. Полвон фақат полвон билан беллашади.

Чинакам полвон шунақа бўларкан-да. Жаҳли чиққанида ўзини босар экан.

## ҲОЖИ МУҚОН

У киши бир вақтлар ўрис полвони Иван Поддубнийга шогирд тушиб, таълим олган экан. Машқ пайтларидан бирида Поддубний Ҳожи Муқонни синамоқчи бўлибди:

— Кел, Ҳожи, иккимиз бир курашайлик, — дебди.

Ҳожи Муқон бошини сарак-сарак қилиб:

— Йўқ, устоз, — дебди. — Сиз устоз, мен шогирд. Устоз билан шогирд кураш тушмайди.

Мана бу шарқона одоб. Булар ҳақиқий паҳлавон дейилади. Чунки бундай эр йигитда ҳам куч, ҳам ақл, одоб ҳам фаҳму фаросат, ҳам ғурур бор.

## ТЎЛАН ПОЛВОН

Тўланбой Қурбон ўғлининг ўзи ҳам, шогирдлари ҳам чекиш, ичиш нималигини билмайди. Аммо меҳмонларни ҳаддан зиёд сийлайди. Бир вақт Жеребцов деган полвон Россиядан Тошкентга келганида Тўлан полвон уни зиёфатга чорлабди. Фарғонача қўлбола ош қилиб, дастурхонга турли ноз-неъматлар қатори арoқ ҳам қўйган экан. «Меҳмон ўрис-ку, ҳойнаҳой ичса керак», — деб ўйлагандир-да.

— Ия, Тўлан, бу нима? — дебди Жеребцов.

— Арoқ, — дебди мезбон.

— Ия, сен арoқ ичасанми?

— Йўқ, умримда ичган эмасман. Сиз ичарсиз деб ўйловдим.

— Ия, полвон ҳам ичадими? Йўқот буни, ўрнига қатиқ олиб кел, — деган экан.

Қиссадан ҳисса шулким, арoқ деган касофат ҳар қандоқ паҳлавонни ҳам йиқитадиган рақиби, тўғрироғи душманидир.

*Азиз АБДУРАЗЗОҚ*

*Ислом маърифати*

## БИР ЯХШИЛИККА ЎН САВОБ

Бир куни Ҳазрати Фотима (розийаллоҳу анҳо) бетоб бўлиб, кўнгиллари анор ейишни тусади. Бу ҳақда соҳиблари Ҳазрати Алига айтган эдилар, у зот бориб, бозордан бир дона анор харид қилдилар. Чунки пуллари фақат битта анорга етди. Қайтаётганларида бир гадо йўлиқиб, ўша анорни беришларини сўради. Ҳазрати Алининг хаё ва имонлари йўқ дейишга йўл қўймай, анорни иккига бўлиб, ярмини гадога тутқаздилар. Уйга келганларидан кейин аёлларига узр айтиб, воқеани сўзлаб бердилар. Фотима (р. а.): «Аллоҳ сиздан рози бўлсин, ажрингизни берсин», деб хурсанд бўлдилар. Шундан бир оз фурсат ўтиб, эшик тақиллади. Али (р. а.) эшикни очиб қарасалар, Салмон Форсий турибдилар. Қўлларидаги идишда тўққиз дона анор. Идишни узатиб: «Расулуллоҳ (с.а.в.) бериб юбордилар», дедилар. Ҳазрати Али шунда айтдиларки: «Йўқ, агар Расулуллоҳ бериб юборган бўлсалар, ўнта бўлиши керак. Чунки Аллоҳ таоло бир яхшиликка ўнта савоб ваъда қилган». Бу гапдан кейин Салмон Форсий чўнтакларидан ўнинчи анорни ҳам чиқариб: «Баракот учун олиб қолган эдим», дедилар.

*Абдуҳаким СОЙИБЖОНОВ тайёрлаган*

*Г. К. ЛИХТЕНБЕРГ*

## ЎТКИР ҲАЗИЛЛАР, АФОРИЗМЛАР

Ақл ишлатишга тўғри келиб қолганда у ўзини ҳар доим ўнг қўли билан иш кўриб юриб, тўсатдан чап қўлини ишга солган одамдай ҳис қиларди.

* * *

Унинг кенг қизил ва кўк йўлли ички кўйлаги театр пардасидан тикилганга ўхшарди. Мен биринчи қатордан жой олиш учун ҳар қанча тўлашга рози эдим, лекин спектакль қўйилмади.

* * *

Баҳор ердан олган қарзни куз сариқ япроқлар билан тўлайди.

* * *

Табиат қонунига мувофиқ, ўтмас тишли ҳайвонларнинг шоҳи бор. Кекса аёл ва эркакларда ҳам баъзан шундай ҳол учраса, бу ҳеч бир ажабланарли эмас.

* * *

Бошқа оромгоҳларда қандай бўлса, бу ерда ҳам шундай: соғлигингни озроқ тиклаб оласан-у юракни «ишдан чиқарасан».

* * *

Ёмғир шундай қаттиқ ёғдики, тўнғизлар ювилиб, одамлар лойга ботди.

* * *

Онт ичиб айтаман-ки, аҳмоқни ақлли қилишга уриниш — ўтакетган тентакликдир.

* * *

У луғатларда учрамайдиган сўзларни яхши кўрарди.

*Ш. ЭРГАШЕВ тайёрлаган*



*Арча сира ташламайди*
*Кўм-кўк игна — баргини.*
*Дейди: йўқотмасин юртим*
*Қишда баҳор кўркини.*

*• Бу – қизиқ!*

### КУЛГИ ОҒРИҚНИ ҚОЛДИРАДИ

Швециялик шифокор Ларс Люндахлнинг касалхонада ўтказган тадқиқотларидан аниқлашича, кулги киши танасидаги оғриқни бирмунча енгиллаштираркан. Испаниялик олимларнинг фикрича ҳам кулги вужуддаги биологик жараённи тезлаштириб, кўкрак қафаси мускуллари ва юрак-қон томирларини чиниқтираркан.

### ОЛМА ПАРИШОНХОТИРЛИККА ДАВО

Қадимги греклар олмани ёшлик элексири деб аташган. Ҳозирги замон олимларининг фикрича ҳам олма паришонхотирликка қарши восита экан. Франциялик кардиологлар ҳайвонлар билан бир қанча тажриба ўтказиб, улар қонида холестерин камайганини аниқлашган. Шундан сўнг тажриба 90 нафар кўнгилли одамлар билан ўтказилган. Улар ҳар куни 300 граммдан олма истеъмол қилишган. Буни қарангки, улардаги паришонхотирлик барҳам топган.

### ТУРШАК УМРНИ УЗАЙТИРАДИ

Хитойлик шифокорларнинг тасдиқлашича, ўрик киши соғлиғини мустаҳкамлаб, умрини узайтираркан. 100 грамм туршакнинг калорияси 250 грамм янги жигарникига тенгдир. Қони кам бўлган одам ўрик (туршак)ни дори ўрнида истеъмол қилиши мумкин.

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТЎЛЕБОЕВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобохон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.

ТЕЛЕФОНИМИЗ:
136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.

ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Таҳририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.

Буюртма № Г-2139.
9353 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ БОСМАХОНАСИ.
Манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топширилди — 19.00
Босишга топшириш вақти — 18.00

1 2 3 4 5 6